Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 171 (8661). ● 6 сентябрь, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

«ҲОСИЛ–85»: «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПАХТА ШТАБИДАН:

«ОҚ ОЛТИН» КАРВОНЛАРИ

БЕКОБОД

◆ (Телефон орқали олинди). КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга аҳд қилган бекободлик пахтакорлар ўн биринчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида она-Ватанга 68 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишган. Далаларда юксак аҳдга яраша меҳнат қилинди. Ҳар гўзада мўл ҳосил тўпланди. Айни кунларда етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш қизғин бошланиб кетди.

Кеча райондаги «Дальварзин» пахта тозалаш заводида 1985 йилнинг дастлабки ҳосилини топиришга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Бу йиғилиш ҳақиқий пахта байрамига айланиб кетди. Митингни пахта тозалаш заводи директори Алижон Воҳидов очди.

— Заводимиз ишчи-хизматчилари 1985 йил ҳосилини тўхтовсиз қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўрдилар, — деди у. — Машина ва механизмлар мавсумга пухта созланди. Заводимизнинг «Социализм», «Чаноқ», «Ленинград» пунктларида ҳам «оқ олтин»ни қабул қилиб олиш учун барча шароитлар яратилган. Биз қайта ишловчилар деҳқонларимизнинг катта меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилини сифатли тайёрлаб, саноат корхоналарига жўнатишни ўз зиммамизга олганмиз. Бу вазифани муваффақиятли бажарямиз. Биргина 1984 йил ҳосилидан олинган толадан хўжаликларимиз 3 миллион сўм даромад олдилар. Бу йил янада баракали меҳнат қиламиз.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ленинград» совхози партия ташкилоти секретари Собиржон Ҳакимов хўжалик пахтакорларининг ўн биринчи беш йиллик якунловчи йилида фидокорона меҳнат қилганликларини, давлатга фақат юқори сифатли пахта етказиб бериш учун курашаётганликларини гапириб берди. Шунингдек, «КПСС XXV съезди» совхози 5-бўлими бошқарувчиси Абдуғани Тошматов ва бошқа ўртоқлар ҳам пахтани йиғиб-териболишга шай эканликларини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бу йил район пахтакорлари йиғим-теримга алоҳида тайёргарлик кўришди. Механизаторлар умумий ҳосилнинг 70 процентдан ортиғини «зангори кема»лар бункеридан тўкишга аҳд қилишган. Далаларда 434 та терим агрегати юқори унум билан ишлатилади. Айни кунларда уларга кенг иш фронти очиш учун ғўза дефолиацияси қизғин олиб борилмоқда.

«Победа», Навоий номли, Дзержинский номли колхозлар ва Ойбек номли совхознинг меҳнаткашлари бу йил етиштирилган ҳосилни фақат ўз кучлари билан териб олишни мўлжалламоқдалар. Бу ташаббус кенг қулоч ёймоқда.

...Шу куни завод қабул пунктига бекободликларнинг дастлабки 100 тонналик пахтаси келиб тушди. Бу хирмон энди кундан-кунга юксалаверади.

БЎКА

◆ БУ КУН Бўка райони меҳнаткашлари учун ҳам ҳақиқий меҳнат байрамига айланди. Чунки, районнинг «оқ олтин» ижодкорлари йил бўйи пешона терлари эвазига етиштирган ҳосилнинг дастлабки тонналарини зўр тантана билан қабул пунктига жўнатишди.

Бу йил район меҳнаткашлари эл хирмонига 67 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга сўз беришган. Бунинг учун эса эрта баҳорданоқ самарали меҳнат қилинди. Область пахтакорлар Совети тавсиялари асосида иш тутилиб, ғўза парвариши намунали йўлга қўйилди. Экинларга ишлов беришда машина ва механизмлардан унумли фойдаланилди. Ғўзалар ўз вақтида суғорилди, ҳосилни зараркунандалардан асраш ишига жиддий эътибор берилди. Барча хўжаликларда механизаторлар, сувчилар ўртасида, бригадаларо ўтказилган социалистик мусобақа самарали бўлди. Айни кунга келиб эса далаларда зиммага олинган юксак мажбуриятни бажаришга етарли миқдорда ҳосил тўпланди.

Тележкаларга ортилган карвон-карвон «оқ олтин» карнай-сурнайлар садоси остида район пахта тозалаш заводи дарвозаси олдига келди. Меҳнат байрамига бағишланган тантанали митингда биринчи бўлиб «Партия ХХ съезди» колхози раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Мирзаахмад Ҳайитбоев сўзга чиқди.

Бу колхоз экинзорлари асосан қир зонасига жойлашган. Лекин шундай бўлишига қарамай деҳқонлар пахтадан мўл ҳосил тўпладилар. Қизил карвонда ҳам район хўжаликлари ўртасида энг кўп миқдорда — 30 тонна дурдона келтиришди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ҳамза номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова етиштирилган ҳосилни юқори сортларга топшириш, машиналардан унумли фойдаланиш бригада аъзолари олдида турган муҳим вазифалардан бири эканини айтди.

Пахта тозалаш заводи директори Баҳром Абдуллаев, «Ленинизм» колхози механизатори Санднабн Раҳмонов ўртоқлар ўз сўзларини давлатга фақат юқори сифатли ҳосил топшириш, бунинг учун ҳар ким ўз бурчини ҳалоллик билан бажариши масаласига бағишладилар. Бу — кўпроқ механик-ҳайдовчилар маҳоратига боғлиқ: районда эса бу йил етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти машиналарда терилади. Илғор механизаторлар зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар: Тимирязев номли колхоздан Ҳасан Ҳожиев, Фрунзе номли колхоздан Абдусаттор Салимов, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усенов сингари дала гвардиячилари бу йилги мавсумда ҳам 150—200 тоннадан ортиқ пахта теришга сўз бердилар.

«Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев, Ильич номли ва «Коммунизм» колхозлари пахтакорлари ана шу сингари фидокор механизаторлар, кўпмингкилограммчи теримчилар ёрдамига таяниб, ҳосилни асосан ўз кучлари билан йиғиб-териб олишга бел боғладилар.

Қ. КАРИМОВ.

ЧИНОЗ

Ўн биринчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида пахтадан ҳар қачонгидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун курашган Чиноз райони деҳқонлари далаларда фидокорона меҳнат қилдилар. Барча агротехника тадбирлари қулай муддатларда амалга оширилди. Далаларда мўл, эртаги ва сифатли ҳосил тўпланди. Пахтакорлар энг масъулиятли мавсум — йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар.

Куни кеча районда биринчи ҳосилдан ташкил этилган қизил карвон пунктларга йўл олди.

Чиноз пахта тозалаш заводида бўлиб ўтган митингни район ижроия комитетининг раиси Мирсанд Абдукаримов очади. У район пахтакорларининг «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган социалистик мусобақага актив қўшилиб меҳнат қилаётганликларини, шу йил 30 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганликларини айтди. Энг муҳими шундаки, 1985 йилда чинозликлар давлатга фақат юқори сифатли ҳосил топширишга бел боғлашган.

Районда етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун бу йил машина теримига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Ҳамма терим агрегатлари мавсумга пухта ҳозирланди. Ҳар бир хўжаликда йиғим-терим транспорт отрядлари ташкил этилди. Улар умумий ҳосилнинг 70 процентидан ортиғини «зангори кема»ларда теришади.

Минбарга райондаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси Жўра Очилов кўтарилди.

— Хўжалигимиз пахтакорлари КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига ҳар гектар ердан 37 центнердан жами 2665 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олишга сўз беришган деди у. Бу мажбуриятнинг бажарилиши учун замин бор. Далаларда мўл ҳосил етиштирилган. Эндиликда биз уни уюшқоқлик билан қисқа муддатда йиғиб-териб оламиз.

Чиноз пахта тозалаш заводининг директори Раҳим Бўриев завод ишчи-хизматчилари янги ҳосилни қабул қилиб олишга шай, пахта пешма-пеш қайта ишланиб саноатчиларга етказиб берилади, деди. «Эски Тошкент» қишлоқ Совети раиси Абдураҳмон Юсупов ва бошқа ўртоқлар ҳам зиммадаги юксак мажбуриятларни, албатта, бажаришларини таъкидладилар.

Район пахта далаларида иш кундан-кунга қизиб бормоқда. Дефолиацияни сифатли ўтказиш билан биргаликда қўл терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳадемай, «Зангори кема»лар ҳам пахтазорларга йўл очади.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ

Областимиз районларида ғўза дефолиациясининг борили тўғрисида шу йил 5 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар: иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	5	9,7
Бўка	2,3	5,0
Ўрта Чирчиқ	1,2	1,8
Ғалаба	0,9	1,5
Бекобод	0,7	1,3
Коммунистик	—	—
Пискент	—	—
Чиноз	—	—
Янгийўл	—	—
Область бўйича:	1,4	1,9

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ТЮМЕНДА БЎЛИШИ

4 сентябрь куни М. С. Горбачев мамлакатнинг энг муҳим нефть-газ регионида бўлган Тюмень областига келди. Нижневартовск шаҳри аэропортида уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Ельцин, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари А. К. Антонов, Н. К. Байбаков, А. Е. Шчербина, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. П. Разумовский, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири А. Н. Яковлев, Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Томск область партия комитетининг биринчи секретари А. Г. Мельников, СССР министрлари, маҳаллий партия ва совет органларининг раҳбарлари кутиб олдилар.

Шу куниёқ М. С. Горбачев Самотлор конида нефть ва газ қазиб чиқариш корхонасида бўлди, пармаловчилар, монтажчилар, қурувчилар, инженер-техник ходимлар билан учрашди. Суҳбат чоғида нефть қазиб чиқаришни кўпайтириш йўллари ҳақида муфассал гап борди. Шу йил август ойида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1986—1990 йилларда Ғарбий Сибирда нефть ва газ саноатини комплекс ривожлантириш тўғрисида қабул қилган қарори муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Бу қарорнинг амалга оширилиши нефть, конденсат ва газ қазиб чиқариш юзасидан СССР энергетика программаси топшириқларининг бажарилишини таъминлайди. Бу ишда замонавий нефть-газ кони жиҳозлари ва технология ускуналари ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларидан тўлароқ фойдаланиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

М. С. Горбачев «Самотлорнефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасининг иккинчи ва учинчи газлифт компрессор станцияларида, 3-комплекс йиғув пунктида, мастер В. С. Рибакининг пармалаш установкасида бўлди.

Министрликлар, бошқармалар, корхоналарнинг раҳбарлари Самотлор конида ундан фойдаланилаётганидан буён бир ярим миллиард тоннадан кўпроқ нефть ва 138 миллиард кубометрга яқин қўшимча газ қазиб олинганини маълум қилишди. Нефть олишни янада интенсивлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Механизациялашган усулда қазиб олишга ўтишни, шу жумладан анча илғор усул бўлган газлифт усулига ўтишни жадаллаштириш ҳақида сўз юритилди. Нефть-газ саноатининг илмий-техникавий базасини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатиб ўтилди. Тармоқ фани ер ости бойликларини ишлаб чиқишнинг яна ҳам самарали лойиҳаларини етказиб бериши керак. Нефть конларини электр билан пухта таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Корхоналарда нефтчилар, Нижневартовск аҳолиси билан учрашувлар чоғида М. С. Горбачев уй-жой қурилишини жадаллаштириш, социал-маиший муассасалар тармоғини, маданият объектларини ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди.

Пармалаш ускунасига борган чоғида М. С. Горбачев ишчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг меҳнат ютуқлари, шунингдек самарали, яхшироқ, ишлашларига нималар халақит бераётгани билан қизиқди.

Бригада раҳбари В. С. Рибакин ўз коллективи шу беш йиллик мобайнида 437 минг метрдан кўпроқ кон қазиб, беш йиллик планни 1983 йил охирларидаёқ бажариб қўйганини айтиб берди. Бригада бу йил пландаги 75 минг метр ўрнига 80 минг метр кон қазиш социалистик мажбуриятини олган. Ҳозир бригада янги қудуқни қазимоқда. Пармаловчи мастер мамлакатнинг саноат корхоналари зарур ёрдамчи ускуналар комплектида қудуқларни проходка қилишни жадаллаштириш, пармалаш вишкалари бурғилайдиган янги техникани ишлаб чиқишлари керак, деган истакни билдирди. Чунки бу нарса меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради. Ҳозир нефтчилар бу ишни ўз кучлари билан бажаришларига тўғри келмоқда.

Кечқурун шаҳар партия комитетида М. С. Горбачев Тюмень ва Томск областлари нефть саноатининг, маҳаллий партия ва хўжалик органларининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Суҳбатда В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, А. К. Антонов, Н. К. Байбаков, Б. Е. Шчербина, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, Г. П. Богомяков, А. Г. Мельников, СССР министрлари қатнашдилар.

Ханти-Мансийск округ партия комитетининг биринчи секретари В. А. Чурилов, Нижневартовск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. И. Денисов, ҳар иккала областдаги бир қанча бирлашмаларнинг бош директорлари ўз сўзларида нефть қазиб чиқариш корхоналарининг ишини яхшилаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ва ўн иккинчи беш йилликда Ғарбий Сибирь нефть саноатини ривожлантириш истиқболлари ҳақида ахборот беришди.

(ТАСС).

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

◆ ҚИЛНИ қирққа ёрувчилар — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати ишчилари ҳақида шундай дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу машаққатли касб эгаларининг ўз байроқдорлари ҳам бор. Ғайрат Матқозиев шундай илғорларнинг биридир. Корхонада узоқ йиллар давомида ишлаб бой тажриба орттирган, ўз касбини пухта эгаллаган, ҳалол ва виждонан меҳнати билан касбдошларининг ҳурматэътиборини қозонган бу металлург доим илғорлар сафида. Бир беш йилликда ўн йиллик ишлаб чиқариш топшириғини бажариш юзасидан бошланган ҳаракатда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ихтиёридаги асбоб-ускуналар «тилини» яхши билган, иш вақтидан самарали фойдаланаётган бу аппаратчи ҳар куни норманикки баравар ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда. Пешқадам ишчининг меҳнат календарида келгуси беш йиллиқнинг сўнггги йили тугашига оз қолди. У ҳамон фидокорона меҳнат қилмоқда, КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа иштирокчиларининг олдинги сафида бормоқда. Ушбу суратда ишчи номини шон-шуҳратга буркаётган донгдор металлург Ғайрат Матқозиевни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

БУ ТЕРИМЧИЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

◆ БЕКОБОДДАГИ совхозлараро транспорт билан таъминлаш идораси ходимлари пахта теримида «Ленинград» совхози меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Суратда: (ўнгда) Гулнора Нурматова. У кунига 70—80 килограммдан пахта термоқда. Совхознинг илғор теримчилари (чапдаги суратда) Аноржон Назирова ҳамда Санталат Қўшматова ўртоқлар бўлим бошлиғи Шокир Аҳмедов билан ҳосил сифатини кўздан кечирмоқдалар.

П. Эргашев фотолари.

ДЎСТЛИК МАГИСТРАЛИ

Газли — Чимкент магистрал газ қувури қурилишида дастлабки километр пўлат қувурлар ётқизилди. Бу қурилишдан мақсад Қозоғистон ва Қирғизистоннинг саноат марказларига табиий газ етказиб беришни кўпайтиришдир.

«Главсредазнефтегазстрой» бўлинмалари 623 километрли газ қувурини ётқизиш, 4 та компрессор станциясини қуришни нормадаги муддатдан анча ўзиб амалга ошириш ниятидадир. Ишни тезлатиш учун трассага бир йўла бир неча механизациялаштирилган колонна чиқди. Улар хандақ қазишдан торгиб, газ қувури устини беркитишгача ҳамма ишларни поток усулида бажарадилар. Юқори унумли автоматлар билан қуролланган пайвандчилар қурувчилар учун махсус стендларда диаметри 1 метрдан ортиқ қувурларни узайтириб улаб берадилар, қурилишда банд бўлган бригадаларнинг кўпи коллектив пудрат асосида ишламоқда.

Янги магистрал газ қувури Туркманистон ва Ўзбекистон конларида қазиб олинган газдан Чимкент, Жамбул, Фрунзе ва бошқа шаҳарларга бир кеча-кундузда қўшимча ўнлаб миллион кубометр етказиб беришга имконият яратади. Янги транспорт линиясини 1986 йил охирида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Газетанинг бугунги сонига хабар қиладилар

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

● ОЛМАЛИҚ гилам фабрикаси ишчи-хизматчилари КПСС XXVII съезди шарафига ўтаётган зарбдор ўн кунликларда актив иштирок этмоқдалар. Корхонада социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Меҳнат беллашувида хўжалик ҳисобида ишлайдиган А. Холматов, М. Чалпулин, В. Марченко, Р. Ҳасановлар бошлиқ коллективлар юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар ўн кунликлар ғолиби бўлмоқдалар.

Фабрикада ана шундай илғор бригадалар ҳисобига ўтган давр мобайнида планга қўшимча равишда 119 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Йиллик мажбурият етти ой ичидаёқ ошириб бажарилди. Гиламдўзлар йил охиригача планга қўшимча яна 2 минг квадрат метр гилам ва поёндоз ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар.

Корхонанинг истиқболи порлоқ. Ўн иккинчи беш йилликда уни ҳар томонлама ривожлантириш режалаштирилган. Ундаги мавжуд ускуналар, механизмлар янгилари билан алмаштирилади. Бунинг натижасида эса кейинги беш йилликда корхона ҳозирги 3770 минг квадрат метр ўрнига 5 миллион квадрат метр гилам-поёндозлар тайёрлаш қувватига эга бўлади.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

МИНГ ТОННАГА ЕТАДИ

ТОШКЕНТ районидаги «Тошкент» совхози деҳқонлари КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилаётган зарбдор ўн кунликларда актив қатнашмоқдалар. Улар давлатга турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш бўйича яхши натижаларга эришишяпти.

Ҳўжалик картошкакорлари куни кеча зафар марраси сидан ўтишди: қабул пунктларига йиллик планда белгиланган 900 тонна ўрнига 903 тонна картошка топширишди.

Бу муваффақиятни қўлга киритишда Юсуф Турсунов, Тўра Тўлаганов, Шоир Йўлдошев ва Абдусаттор Азимов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригада коллективлари муносиб улушларини қўшишди.

Ҳали совхоз далаларида ҳосил бор. Деҳқонлар давлатга яна 100 тонна картошка топширишга аҳд қилишган.

Д. ЙЎЛДОШЕВ.

ЗАВОД МАВСУМГА ТАХТ

● ПИСКЕНТ пахта тозалаш заводининг ишчи — хизматчилари бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик кўрдилар. Завод пахта пунктларидаги мавжуд барча техника воситалари ремонтдан чиқарилди. Уларнинг қай даражада сифатли бажарилганига эса қабул комиссияси муносиб баҳо берди: заводнинг Оқтепа ва Керовчи пахта пунктларининг техника ремонти «аъло» ва Муротали пахта пункти «яхши» баҳо билан фойдаланишга қабул қилинди.

Шу йили пахта тозаловчилар планга кўра 42500 тонна «оқ олтин» қабул қилишади. Лекин азамат коллектив ишчилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, 48 минг тонна хом ашёга ишлов бериш мажбуриятини олдилар. Бугунги кунда ҳам техника воситалари мавсумга шайлаш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар тўхтаганича йўқ. Барча агрегатлар яна бир бор кўздан кечирилмоқда. Бу ишда П. Сусура, В. Лактионов, С. Комилов сингари ишчилар барчага намуна бўлмоқдалар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1985 йил 1 сентябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Наманган областида қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари:

Самарқанд области,

Тошкент областининг Бўстонлиқ райони,

Наманган областининг Учқўрғон райони,

Фарғона областининг Ўзбекистон райони,

Андижон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш аграр-саноат бирлашмасининг Энгельс номли совхози,

Жиззах мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш агросаноат бирлашмасининг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози,

Хоразм область Гурлан районидаги «Гулистон» совхозига бериладиган бўлди.

АМЕРИКА ЖУРНАЛИГА ЖАВОБЛАР

«Американинг «Тайм» журналига жавоблар» китобчаси босиб чиқарилди. Унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Америка журналининг бир қанча саволларига қайтарган жавоблари ва унинг 1985 йил 28 август куни Америка журналистлари билан қилган суҳбати ўрин олган.

Китобчани сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган.

(ТАСС).

ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Областимизда фаолият кўрсатаётган 5162 партия группасидан 4442 тасида, 5063 цех партия ташкилотидан 2668 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Партия группаларида бўлиб ўтган йиғилишларида коммунистларнинг 96,3 проценти иштирок этиб музокараларда уларнинг 59,1 проценти қатнашди. Цех партия ташкилоти йиғилишларида эса коммунистларнинг 96,1 проценти иштирок этиб, улардан 32,5 проценти ҳисобот докладларини муҳокама этишда қатнашди.

Сўзга чиққан нотиқлар партия группалари ва цех партия ташкилотларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми талаблари асосида олиб бораётган ташкилотчилик, сиёсий ва идеологик ишларини атрофлича таҳлил қилдилар, фойдали таклифлар киритдилар.

Йиғилиш қатнашчилари 6332 та танқидий фикр ва мулоҳазалар билдирдилар. Бу таклифларнинг 1300 таси шу кунгача амалга оширилди.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози автогаражи, Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз автопарки партия группаларида, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози чорвачилик фермаси, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг чорвачилик фермаси, К. Маркс номли колхоз 2-бригадаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати Кўрғошинкон кони ва мис эритиш заводининг электролиз цехи, Ангрендаги 7-автобазанинг 4-автоколоннаси, Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг 4-бўлими, Тошкент районидаги Ильич номли колхознинг 4-бригадаси, Ғалаба районидаги Киров номли колхознинг 4-бригадаси, Ўзбекистон металлургия заводининг кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш участкаси, Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинатининг 2-заводи каби корхона ва хўжаликлар цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари танқид ва ўз ўзини танқид руҳида ўтди. Уларда область, шаҳар ва район партия комитетларининг масъул ходимлари сўзга чиқдилар.

Лекин ҳамма жойда ҳам йиғилишлар юксак савияда ўтаяпти деб бўлмайди. Юқори Чирчиқ луб заводининг узун ва қисқа толалар ишлаб чиқариш цехи партия группасида бўлиб ўтган йиғилишда танқидий рух сезилмади. Докладни ва музокарада сўзга чиққан коммунистларнинг сўзларини тинглаб бу ерда ҳеч қандай камчиликлар йўқ экан, деган фикрга келиш мумкин. Амалда эса танқид қилса арзийдиган нуқсонлар оз эмас эди. Нотиқлар ташки-

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

лий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишларни ҳам эътибордан четда қолдирдилар.

Тошкент ГРЭСи ремонт бригадаси коммунистларининг йиғилишида ҳам ҳисобот даврида бажарилган ишлар чуқурроқ таҳлил қилинмади. Йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўрилганлиги ҳисобот докладида акс этмади. Партия группасида йил давомида йиғилишлар мунтазам ўтказилмаган эди. Шу масаланинг ўзиёқ коммунистларни ташвишлантириши лозим эди.

Ғалаба районидаги «Зоря коммунизма» колхозининг «Красний Восток» участкаси, «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози 1-бўлими партия ташкилотлари йиғилишида ҳам камчиликлар принципиал танқид қилинмади, коммунистларнинг фаолиятига тегишли баҳо берилмади. Сўзга чиққан кишиларнинг нутқлари ҳам бир-бирига ўхшаб кетди. Улар фақат ўз ишлари тўғрисида ҳисоб бердилар, холос. Цех партия ташкилотлари, сайлаб қўйилган активлар фаолияти чуқур таҳлил қилинмади, таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланмади.

«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози 1-бўлими ва «Ангренский» кўмир разрези бошқарув аппарати коммунистлари йиғилишда ташкилий-партиявий ишлар хусусида умуман оғиз очмадилар. Бинобарин, партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, қарор ва ижро, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича йўл қўйилаётган камчиликлар оз эмас эди. Ҳеч бўлмаганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўз юритиш мумкин эди.

Бўлиб ўтаётган йиғилишларнинг кўпчилигида коммунистлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, тартиб-интизомни мустаҳкамлашга, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган бир қатор таклифлар билан чиқаётганликлари қувонарли ҳолдир. Олмалиқ кон-металлургия комбинати Кўрғошинкон кони партия бюроси илгари қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Комбинат мис эритиш заводи электролиз цехи партия ташкилоти, Ангрендаги 7-автобазанинг 4-автоколоннаси, Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз автопарки цех партия ташкилотларига меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш, тартиббузарларга қарши кескин чоралар кўриш тавсия этилди.

Ғалаба районидаги Киров номли колхознинг 4-бригадаси партия ташкилоти адресига ҳам танқидий мулоҳазалар билдирилди. Бу ерда партия йиғилишлари мунтазам ўтмас, партия сафлари кенгаймаётган, лекция пропагандаси, жамоат ташкилотига раҳбарлик ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Коммунистлар танқидидан партия ташкилоти ва сайлаб қўйилган активлар тегишли хулоса чиқариб олишлари керак. Шаҳар ва район партия комитетлари, бирлашма ва корхона, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, хўжаликлар партия комитетлари ҳисобот-сайлов йиғилишининг боришини мунтазам муҳокама қилиб туришлари ва билдирилаётган танқидий фикр-мулоҳазаларни амалга ошириш чораларини кўришлари лозим.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЕШҚАДАМЛАРИ

◆ «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-цех коллективи корхонада ўтказилаётган социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бормоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар, айниқса, пишиқлиги билан ажралиб туради. Доимий назоратнинг йўлга қўйилганлиги ишдаги сифат кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келди. Суратда: синаш станцияси бошлиғи Виктор Бочкарёв (чапда) ишчилар билан ҳамкорликда тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечираяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ ЧИРЧИҚ пойабзал фабрикаси 1-цехининг фрезерчиси Улуғбек Норматов корхонада ўтказилаётган «КПСС XXVII съезди шарафига—27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги меҳнат беллашувида бир неча бор ғолиб чиқди. Яқинда эса у ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлашга киришди.

Суратда: (ўнгда) Улуғбек Норматов.

В. Сироткин фотоси.



ИЛМ-ФАН — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

АРИҚ ЎРНИДА ҚУВУР

ЎРТА ОСИЁ ирригация илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари адир зонада ўқариқ ўрнида йиғма алюминий қувур ишлатишнинг фойдаси кўп деган хулосага келдилар. Улар ўзлари ишлаб чиққан конструкцияни Паркент канали районида синаб кўрдилар. Сувчи юз метр қувурни атиги бир соатда йиғиб тайёрлайди. Шунча узунликдаги ариқ тайёрлашга эса бутун иш куни кетади.

Янгича сув бериш усулида унинг сарфи ҳам камаяди. Қувур енгил бўлганлигидан уни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиб, ундан кўп марта фойдаланиш мумкин. Қувур ичи тиқилиб қолмайди: конструкцияда лой йиғадиган қисмлар кўзда тутилган бўлиб, улар вақти-вақти билан тозаланиб турилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ҚУРИЛИШНИНГ ИНДУСТРИЯ ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Республикамиз пойтахтидаги бош қурилиш бошқармаси ташкилотлари якунловчи йилда дуруст ишламоқдалар. Ўтган етти ойда 465 минг 170 квадрат метр саҳнли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Биргина июль ойида тошкентликларга совға қилинган турар-жой саҳни 70 минг квадрат метрни ташкил этди. Бинокорлар август ойида 100 минг квадрат метр уйларни фойдаланишга топшириш учун фидокорона меҳнат қилишди. Ўтган ойларда йиллик топшириқда назарда тутилган уйларнинг 55 проценти қўлдан чиқазилди.

Қурилиш ҳажми ва сурьатларини, шунингдек, сифат кўрсаткичларининг сезиларли даражада ортиши республикамиз пойтахти уйсозлари бир маромда ишлаётганликларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳақли равишда танқид қилинганидек қолоқликни тугатишга интилаётганлигини кўрсатади. Шуниси диққатга сазоворки, уй тўйлари йил бошида— январь ойида ҳам бўлиб ўтди. Олдин эса бундай бўлмасди. Бунда 1-уйсозлик комбинати ва уй-жой қурилиш трести коллективининг хизмати каттадир. Чунки шаҳарнинг етакчи уй-жой қуриш бўлинмалари ҳисобланган бу ташкилотлар ўнёдқорлари якунловчи йилнинг биринчи ойидан бошлаб енг шимариб ишга киришдилар. Ўтган йили чала қолган кўпгина уйларни барвақт қўлдан чиқаришди. Уй-жой қурилишининг шундай маромда бориши йилнинг охирига келиб штурмчилик ва ҳайбаракаллачиликнинг бўлмаслиги учун ишонч ҳосил қилади.

Бундай дейишга маълум асослар ҳам бор. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ҳар бир объектни комплекс инженерлик тайёргарлигисиз қуришга киришиш ман этилди. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формалари тобора кенг ёйилмоқда. Самарали конструкциялар ва материаллар ой сайин кўпроқ фойдаланилаяпти. Қисқаси, қурилишнинг индустрия даражасини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган кўплаб чора-тадбирларнинг кўрилиши бинокорлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги вақтларда уй-жой массивларининг комплекс қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бинокорлар уй-жойларни қуриш қатори бир вақтнинг ўзида социал-маданий-маиший объектлар қурилишини ҳам олиб бормоқдалар. Шу туфайли ҳам йил бошидан бери бош бошқарма коллективи томонидан 37 та маданият ўчоқлари, савдо, алоқа, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш корхоналари фойдаланишга топширилди. Улар шаҳарнинг барча районларида барпо этилди. Кишиларнинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган бундай объектлар қурилишининг кўпайиши ва жадаллашишида 1- ва 2-уйсозлик комбинатлари, пардозлаш, уй-жой қурилиш 4-, 6-, 11, 153, 159-қурилиш трестлари бинокорлари ва инженер-техник ходимларнинг хизматлари катта бўлди.

Бош бошқарма бўлинмаларини ихтисослаштириш давом этмоқда. Асосан мактаб бинолари қурилишига ихтисослашаётган 159-трест коллективи меҳнатидан ҳамма хурсанд бўлмоқда. У 5 жорий этилди. Шунга мувофиқ уйлар қурилишида 30 та оралиқ потокларни бирлаштирган пудратчи бригадалар ишламоқда. Ҳозирги вақтда бундай бригадалар уй-жойнинг 80 процентдан кўпроғини барпо этаяпти. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида ана шундай самарали усул билан умумий майдони салкам 2,5 миллион квадрат метр саҳнли бўлган 500 га яқин уй-жой бинолари қурилди. Шу усул билан ишлаётган уй-жой қурилиш трестининг А. Демин раҳбарлигидаги монтажчилар бригадаси ҳар йили умумий майдони 20 минг квадрат метрдан ортиқ уйларни қурмоқда. Ҳар бир уйни қуриш норматив муддатларини ўртача 16 кунга қисқартирмоқда. Объектлар таннархининг ҳам камайишига эришмоқда.

Ўйсозлик корхоналарини реконструкция қилиш ва техник қайта ускуналаш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар ҳам қурилиш сифати ва сурьатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Худди шу туфайли уй-жой қурилиши умумий ҳажмида йирик панелли уйларнинг ҳажмини 84 процентга етказиш мумкин бўлди. Бу мамлакатимиз бўйича энг яхши кўрсаткичлардан бири. Ана шундай уйлар ташкилот бинокорлари асосан 9 қаватли уйларни барпо этишаяпти. Бу йилдан эксперименталь 16 қаватли уйлар қурилишини бошлаш ҳам назарда тутилмоқда. Бундай уйлар учун комплект деталларни Ўрта Осиёда биринчи бор қурилаётган ҳажмли-блок уйсозлик заводи етказиб беради. Унинг қуввати ҳар йили 120 минг квадрат метр саҳнли уйлар қуриш учун етади. Бу йирик корхона Сергели саноат зонасида қурилмоқда. Айни вақтда монолит уйлар қурилиши мисоли ҳам кенгаяди. Келажакда кўп қаватли (20 қаватгача бўлган) йирик панелли, каркас панелли, монолит ва ҳажмли-блок уйлари қурилиши деярли 90 процентгача етказилади.

«Главташкентстрой» мамлакатимизнинг йирик пудратчи ташкилотларидан бири ҳисобланади У ҳар йили 365 миллион сўмликка яқин ҳажмдаги қурилиш монтаж ишларини амалга оширмоқда. Бу ишларнинг 90 процентдан кўпроғи ўз кучлари билан бажарилмоқда. Бунёдкорликда бош бошқарманинг 45 мингдан ортиқ ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги вақтда қурилиш ишларини чуқур инженерлик тайёргарлиги асосида муваффақиятли олиб бориш мумкинлигини ҳамма яхши билади. Шунинг учун ҳам бу тадбирга эътибор тобора ортаяпти. Шу асосда поток қурилиш графиги ишлаб чиқиляпти. Уй-жойларни кварталлар, ойлар ва кунлар бўйича фойдаланишга топшириш тартиби белгиланмоқда. Қурилиш ишларининг индустрия ва механизация даражаси ошмоқда. Ҳар бир объект қурилиши учун шунга мувофиқ комплекс бригадалар жалб қилинаяпти. Қурилишлар барча зарур материаллар билан узлуксиз таъминланмоқда. Ишлаб чиқаришни инженерлик тайёргарлиги электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланган ҳолда планлаштириш ва бошқаришни автоматлаштирилган системасига асосланмоқда. Демак бу система қанчалик пухта бўлса қурилишда инженерлик тайёргарлиги ҳам шунчалик соз бўлади. Бу эса барча объектларнинг бир маромда тез, сифатли ва тежамли қурилишида беқиёс ижобий роль ўйнайди. Ўйлаймизки, бош бошқарма коллективи ана шу йўлда тўпланган тажрибани ҳар томонлама умумлаштириб, унинг ривожланиши ва кенгайиши учун бундан буён ҳам муттасил изланиш олиб боради.

И. АҲМЕТОВ,
«Ташкент ҳақиқати»нинг штатсиз иқтисодий шарҳловчиси.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ— ДАВР ТАЛАБИ

ҲУШЁРЛИК—ҲАЁТ НОРМАСИ!

5 сентябрь куни Тошкентда ҳушёрлик учун кураш республика кўнгилли жамияти ташкилот комитетининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари кенг оммани, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва ундан келиб чиқадиган салбий ҳодисаларни тугатишнинг ҳамма тарафдорларини бир мақсад йўлида бирлаштиришга даъват этилган ана шу оммавий жамоат ташкилотини тузиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда республика ташкилот комитетининг раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов сўзга чиқди.

Нутқларда жамиятнинг асосий мақсади меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, аҳоли яшайдиган жойларда алкоголизмга қарши фаол профилактика ишларини олиб боришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Алкоголизмга қарши жамоатчилик фикрини шакллантириш, спиртли ичимликларнинг кишилар саломатлигига, келгуси авлодга зарарли таъсирини ишонарли тарзда пропаганда қилиш, ичкиликбозлик жамиятга етказаётган зарарни тушунтириш жамият аъзоларининг вазифаларига киради. Бунинг учун ҳамма воситалардан: маданий-маърифий муассасалар, «Билим» жамияти ташкилотлари, халқ университетлари, коммунистик меҳнат мактаблари, матбуот, телевидение ва радионинг кенг имкониятларидан фойдаланиш лозим. Жамият ўз фаолиятини касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, давлат органлари меҳнат коллективлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширади.

Мажлис қатнашчилари ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишда, янги социалистик маросимларни пропаганда қилиш ва турмушга жорий этишда, коммунистик ахлоқ нормаларини қарор топтиришда жамият партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлишга даъват этилганлигини уқтирдилар.

Ҳушёрлик учун кураш бутуниттифоқ кўнгилли жамияти бўлажак таъсис конференцияси қатнашчилари состави тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ, КАШФИЁТЛАРИ

ЭЛЕКТР ТОК СУРАТГА ОЛАДИ

ФОТОГРАФ ролини бажараётган илмий ходим аппаратни ростлаб, унинг кнопкасини босди ва шу заҳоти камерадан ойна пластинкани чиқариб олди. Унда яқинда турган киши акс эттирилгани эди. Бу тасвир на дорига солиб очишни, на химиявий дорилар билан тасвирни маҳкамлашни талаб этди. Сурат бир лаҳзада пайдо бўлди. Аппарат чўнтак фонари батареясига тортилган симларини демаса, «Зенит»дан ҳеч бир фарқ қилмайди.

— Ишнинг бутун «сири» кўп қават қопламали фотоэлектрохром пластинкадан иборатдир, — дейди Латвия университети қаттиқ жисм физикаси институти бўлимининг раҳбари А. Лусис. — Пластинканинг шаффофлиги электр токи билан ростланади, турли участкаларидаги ток миқдори шу участкаларнинг ёритилиш даражасига боғлиқ бўлади. Олинган тасвир бир неча кун сақланади. Уни тўла ёки қисман осонгина ўчириш, бошқа тасвирлар билан қўшиш мумкин. Фотомонтаж ишлари учун бу жуда қулайдир. Хуллас биргина пластинкадан 10 минг мартагача фойдаланса бўлади.

Институтда яратилаётган фотоэлектрохром материаллардан информация ташувчи сифатида, фан ва техниканинг кўпгина тармоқларида чаққон хотира элементлари сифатида фойдаланиши мумкин.

С. ШПУНГИН,
ТАСС мухбири.

Рига.

◆ ТОШКЕНТДАГИ тажриба пиллакашлик фабрикаси коллективи КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик вахтасида туриб ишлаб, салмоқли ютуқларга эришмоқда. Корхонада 1985 йил планини бажариб, келаси йил ҳисобига ишлаётган пешқадамлар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Д. Ҳасанова (юқорида чапдан) ва Х. Мирзатуллаевалар ана шундай илғорлардан ҳисобланадилар. Пастдаги суратда лаборант Н. Зокирова шойи толаси сифатини текшириб кўрмоқда.

В. Сироткин фотолари.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

ТАЛОН-ТАРОЖЛИК, ЧАЙҚОВЧИЛИК, ПОРАХЎРЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ Тошкент область Советининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиясининг навбатдаги мажлисида область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленуми қарорлари асосида социалистик мулкни талон-тарож қилиш, чайқовчилик ва порахўрликка қарши курашни кучайтириш юзасидан амалга ошираётган иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Р. Р. Саитбоев мажлисда ҳисоб берди.

Область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари билан биргаликда жамиятимизга ёт бўлган иллатларни йўқотиш юзасидан муайян ишлар қилаётганлиги, бироқ шу билан бирга бу ишлар самараси ҳозирги талабга тўла жавоб бермаётганлиги сўзга чиққан нотиқлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Доимий комиссия ишдаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни тугатиш, зиммадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишни янада жонлантириш юзасидан область ижроия комитети ички ишлар бошқармасига ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига тавсиялар берди. Социалистик мулкни асраш ҳамда чайқовчилик ва порахўрлик каби иллатларни таг-томири билан тугатиш учун курашни янада активлаштиришга қаратилган қўшимча ва самарали чоралар кўриш лозим. Шу мақсадларда кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, меҳнат коллективлари ва областнинг барча жамоатчилик кучларидан янада тўлароқ фойдаланиш керак бўлади.

РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

ЧОРВАЧИЛИК ҚАНДАЙ ҚИЛИБ РЕНТАБЕЛЛИ ТАРМОҚҚА АЙЛАНДИ?

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ҚОЛХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ЧОРВА ҚИШЛОВИГА НАМУНАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ҲАММА ерда ишнинг муваффақияти биринчи галда намунали тартиб-интизомга, ходимларнинг топшириққа нисбатан масъулият билан ёндошишларига боғлиқ. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида асосий тармоқ — пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликнинг ҳам жадал ривожланиб, рентабелли соҳага айланиб бораётганлигининг бош омили ҳам шундадир.

Бу ерда чорвачиликдан олинаётган даромад йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1984 йилда бу тармоқнинг ўзидан 215 минг сўм соф фойда олинди. Моллар бош сонини кўпайтиришда салмоқли натижалар қўлга киритилди. Колхозда бундай ютуқларга қандай эришилмоқда!

БУ ЕРДА энг биринчи чорвачиликнинг асоси бўлган емхашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Колхозда, айниқса, қишлов учун озуқа жамғаришда фермадаги ҳар бир қорамол эҳтиёжи қатъий ҳисобга олинди: қишнинг енгил-елпи келиши эмас, балки оғир келиши эҳтимоли назарда тутилди.

— Кўпгина хўжаликларда сигирлардан баҳор ва ёз ойларида мўл-кўл сут соғиб олинади, бу даврда қорамоллар тез семиради, — дейди колхоз бош зоотехниги Рустам Сеитвелиев. — Лекин қишда эса уларнинг маҳсулдорлиги кескин камайиб кетади. Бунинг бош сабаби озуқанинг етишмаслиги, қишловга яхши тайёргарлик кўрилмаганлигидадир. Биз бутун йил давомида моллар маҳсулдорлигининг бир хилда бўлишини таъминлашни асосий мақсад қилиб олганмиз. Бунга эришяпмиз. Шунинг учун ютуқларимиз кўпайиб бормоқда.

Колхозда ем-хашак етиштиришни кўпайтиришда алмашлаб экиш тўғри ташкил этилганлиги катта роль ўйнаётир. **Масалан, бу йил хўжаликда жами 220 гектар ерга озуқа экинлари экилди. Шундан 120 гектарида беда, 55 гектар ерда дон учун маккажўхори, 10 гектар ерда лавлаги, 40 гектар майдонда силос учун маккажўхори етиштирилмоқда. Ҳозиргача беда тўрт марта ўрилди. Ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб пичан олинди. Лавлагидан минг центнердан, силос учун экилган маккажўхоридан эса 350 центнердан кўкпоя олинмоқда.**

Бу ўринда савол туғилади. Мавжуд қорамоллар бош сонига нисбатан колхозда ем-хашак учун ажратилган майдон анча кам. Лекин қандай қилиб бу ерлардан эҳтиёж учун етарли миқдорда озуқа олинмоқда?

Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибалар жорий этилиб, озуқа экинлари учун ажратилган майдонлардан ғоятда самарали фойдаланилмоқда. Мисол учун кеч кузда маккажўхори экиладиган майдонларга арпа сепилади. Ўз вақтида озиқлантирилган, суғорилган экин тез етилди. Май ойидаёқ бу ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан дон ва кўплаб сомон йиғиштириб олинди. Сўнгра бу майдонлар пешма-пеш шудгор қилиниб, маккажўхори экилди. Ҳозир силос ўриб олинмоқда. Дон учун мўлжалланган маккажўхори эса лавлаги билан қўшиб экилди. Шу кунларда ҳар гектар ердан 55—60 центнердан «каҳрабо дон» хирмони кўтарилмоқда. Дон ўрими тугаллангач, қатор оралари ҳайдалиб, суғорилади. Лавлаги экини ғуркираб ривожланади. Бу ҳосил кеч кузда қорамолларга едирилади.

— Биз фақатгина озуқанинг салмоғини кўпайтириш учун эмас, айни вақтда унинг сифатли сақланишини ҳам қатъий назорат қилиб борамиз, — дейди бош зоотехник. — Аввало фермага келиб тушадиган озуқанинг ҳар бир килограмми ҳисобда бўлади, махсус дафтарга ёзиб борилади. Шунингдек, кунига қанча сарфланаётганлиги ҳам ҳисоб-китоб қилиб турилади. Олинаётган маҳсулот озуқага яраша бўлаяптими, йўқми— текшириб кўрилади. Дейлик, бугунги соғилган сутнинг миқдори кечагидан бир оз камайди. Дарҳол, бунинг сабаби қидирилади. Ем-хашак тақсимотида номутаносибликка йўл қўйилган бўлса, олди олинади.

Сигирлар рационидан қишин-ёзин озуқа цехида тайёрланадиган атала мустаҳкам ўрин олган. Унинг составида ўт уни, витаминлар ва омухта ем бор. **Умуман, шу кечакундузда бир сигирга 13,5 килограмм озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак берилмоқда. Бу миқдор — 50 килограмм кўк озуқа, 10 килограмм лавлаги, 3 килограмм концентрат озуқа ва 2 килограмм аталага тенгдир. Қиш даврида ҳам сигирларга берилаётган озуқанинг тўйимлилик даражаси ҳозиргидан кам бўлмайди.**

Бу тадбирларнинг барчаси колхозда сигирлардан йиллининг тўрт фаслида бир меъёрда сут соғиб олинишини таъминламоқда.

Қорамоллар маҳсулдорлигини оширишда наслчилик ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги катта роль ўйнамоқда. Айни кунларда подадаги сигирларнинг деярли ҳаммаси қора-ола зотлидир.

— Бу соҳада ҳам ишни қатъий ҳисоб-китоб асосида олиб бораяпмиз, — дейди Р. Сеитвелиев. — Осеменаторимиз Раим Ҳасанов ҳар бир сигирнинг урчитилган куни, бузоқлаши мумкин бўлган вақтини алоҳида дафтарга қайд қилиб боради. У сигирларни сунъий урчитиш ҳисобига соғлом бузоқларнинг кўплаб олинишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Йилига ҳар юз бош сигир қисобига 96—98 бошдан бузоқ олинаётганлигининг яна бир асосий омилларидан бири бўғоз сигир ва ғунажинларни алоҳида парвариш қилинаётганлигидир. Улар махсус хсналарда боқилади, махсус рацион асосида озиқлантирилаётган озуқага ва унинг сифатига боғлиқ экан. **Масалан, айни кунларда колхозимизда 1 центнер сут етиштириш учун 20 сўм 60 тийин, гўшт учун 111 сўм, 1 дона тухум учун 7 тийин ҳаражат қилинмоқда.**

Юқорида колхозда жамғарилаётган озуқа чорванинг эҳтиёжини бемалол қондираётганлиги, унинг сифати ҳақида гапирган эдик. Бу — махсус бригаданинг озуқа етиштиришга ихтисослаштирилганлиги шарофатидир: бригадада бор-йўғи олти киши меҳнат қилади. Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, техника воситаларидан самарали фойдаланиш туфайли улар ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга эришмоқдалар. **Шу кунгача 900 тонна беда пичани, 65 тонна табиий пичан, 500 тонна макка пояси, 120 тонна сомон, 30 тонна ўт уни тайёрлаб қўйилди. Айни пайтда силос ўрим-йиғими давом этяпти. Хандақларга минг тоннага яқин ширали озуқа бостирилди.**

Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти чорвадор кадрлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг малакаси мунтазам ошириб борилмоқда, илғор тажрибалар, фан ютуқлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Фермада сут соғувчилар, бўрдоқибоқарлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг энг таъсирчан формаларидан фойдаланилмоқда.

— Мусобақадан кутилган мақсад — умумий юксалишга эришишдир, — дейди бош зоотехник. — Биз меҳнат беллашувига якун чиқаришда етиштирилаётган маҳсулотнинг миқдори билан биргаликда сифатини ҳам, албатта, ҳисобга оламиз.

Бир-биридан орқада қолмаслик учун меҳнат қилаётган Дилбар Аметова, Сайфура Бойбекова, Муборак Қирғизбоева, Тоттигул Сулаймонова сингари тажрибали сут соғувчилар ўз қарамоғларидаги сигирлардан кунига 12—13 килограммдан сут соғиб олиб, пешқадамлик қилишмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик, ишонч, юксак интизом. Буларнинг ҳаммаси колхозда чорвачиликнинг жадал суръатларда ривожланишига олиб келмоқда. КПССнинг бўлажак XXVII съездини муносиб кутиб олишга аҳд қилган хўжалик чорвадорлари ўн биринчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида эл дастурхонига 57 тонна гўшт, 600 тонна сут, 130 минг дона тухум етказиб бериш учун курашмоқдалар. Шу кунгача эришилган натижалар бу марраниг бемалол эгалланишидан дарак бериб турибди.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

◆ СУРАТДА: (чапдан) колхоз озуқа цехининг умумий кўриниши. Бу ерда даладан келтирилаётган беда ҳосили қайта ишланиб ўт уни ва донадор озуқага айлантирилади; механик Султон Налтаев цехнинг бошқарув пультини кўздан кечирмоқда.

А. Зуфаров фотолари.



ОЙБЕК ВА ТЕАТР

ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАЪЛУМКИ, совғет халқи гитлерчи-босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашаётган йиллари ватанпарварлик — театрларимиз учун асосий мавзулардан бири бўлди. А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театр ҳам шу мавзуга бағишланган «Маҳмуд Торобий» операсини яратишга киришди. Операнинг либреттосини ёзиш Ойбекка топширилди

1238 йилда Бухоро ва Кармана шаҳарларида Маҳмуд Торобий бошчилигида меҳнаткаш халқнинг Чингизхон босқинчиларига қарши кўтарган кўзғолони ва улар устидан қозонган ғалабаси— асар сюжетини ташкил этган. Тарихни вужудга келтирувчи асосий куч — халқ. Ойбек ана шу марксистик назариядан келиб чиқиб, асарнинг бош қаҳрамони сифатида босқинчилар ва маҳаллий заминдорлар томонидан ваҳшиёна эзилган халқни кўрсатиб, унинг эркинлик, мустақиллик учун олиб борган мардонавор курашини, ватанпарварлик туйғуларини биринчи ўринга олиб чиққан.

Либреттонинг фазилатларидан бири шундаки, гарчи Маҳмуд Торобий халқни курашга, муқаддас она-тупроғини душманлардан тозалашга кўтарган тарихий шахс бўлса ҳам, Ойбек уни идеаллаштирмаган. Чунончи меҳнаткаш оммани босқинчиларга, маҳаллий эзувчиларга қарши курашига фақат Маҳмуд Торобий эмас, унинг жасур қизи Жамила, шунингдек, чўпон йигит Ёдгор ва рассом Дарвиш Али ҳам раҳнамолик қилишади. Бу ерда яна шуни таъкидлаш зарурки, Маҳмуд Торобий образи ўз тузилиши билан Степан Разин, Емельян Пугачёв каби халқ қаҳрамонларига бир қадар ўхшаб кетади. Муаллиф Маҳмуд Торобий тимсолида ўз эътиқоди билан меҳнаткаш оммага яқин бўлган, унинг оғир қисматини ўз бошидан ўтказган, шунинг билан бирга иродасининг метинлиги, феълининг қатъиятлиги, зукколиги, тадбиркорлиги, кучли табиати билан ажралиб турган, халқ орасидан етишган сардорни яратган ва уни романтик образ даражасига кўтарган.

Воқеаларнинг тадрижий ривожи шунчалик тез ва кучли ифодаланганки, томошабин қаҳрамонлар кетидан беихтиёр эргашиб, уларнинг тақдирини ҳаяжон билан кузатиб боради. Асар Маҳмуд Таробийнинг ҳалокати билан тугайди. Бироқ муаллиф асарга оптимистик руҳ бағишлайди. Бир-бирини жондан-ортиқ севган Ёдгор ва Жамила ҳақоратланган халқи учун, оёқости этилган она-диёри учун, ваҳшиёна ўлдирилган бегуноҳ болалар, аёллар, қариялар учун, Маҳмуд Торобий сингари жасур ватанпарварларнинг қутлуғ қони учун душмандан ўч олишга, уни ер билан яксон қилишга қасамёд этади ва халқни курашга бошлайди.

Ойбекнинг маҳорати яна шундаки, либреттода инсон ва халқ тақдири чамбарчас боғланган. Халқ орасидан чиққан қаҳрамонларни, уларнинг душманга нисбатан чексиз қаҳр-ғазабини, дардаламини, озодликка, эркин ҳаётга, мустақилликка интилишини кенг оммадан, унинг қисмати ва кечинмисидан ажратиб бўлмайди.

Образларнинг характерини талқин этишда ҳам Ойбек ўз ижодий услубига амал қилган. Асарда бирорта образ йўқки, ўз тақдири, ижтимоий чиқиши, феъл-атвори, табиати, маънавий ва ҳиссиёт дунёсига эга бўлмаса. Уларнинг характери воқеалар жараёнида чуқурлашиб, ривожланиб боради. Саҳналар эса изчил ва мантиқан бир-бирига боғланган.

Либретто қаҳрамонона-романтик услубда ҳал этилган. Гарчи халқ, унинг тақдири асарнинг лейтмотивини ташкил этса ҳам, қўшимча лирик мавзу, яъни Ёдгор билан Жамила ўртасидаги жўшқин ва садоқатли муҳаббат асосий мавзуга узвий боғланиб, асар мазмунини бойитган, кишини қаттиқ ҳаяжонлантирадиган саҳналарни вужудга келтирган.

Воқеалар узоқ ўтмишдан олинган. Ойбек реалист ёзувчи сифатида Улуғ Ватан уруши йиллари халқимиз бошига тушган оғир мушкулни чуқур ҳис этган ҳолда либреттони яратган.

Операнинг музикасини композитор О. Чишко басталанганди. Фикримизча, Ойбек ёзган либретто ҳозир ҳам ўзининг ғоявий ва бадиий қимматини йўқотмаган. Агар композиторларимиз шу адабий манбага қайтиб, юксак профессионал савияда музика басталасалар айни муддао бўларди.

Ҳамза номли ўзбек академик драма театри «Қутлуғ қон» драмасини дастлаб 1954 йилда республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 30 йиллигига бағишлаб саҳналаштирди. «Қутлуғ қон» инсценировкаси — ўзбек ёзувчиларининг прозаик асарларини саҳналаштириш борасидаги дастлабки қадам эди. Режиссёр Тошхўжа Хўжаев романнинг ғоявий-бадиий йўналишини, воқеалар моҳиятини, образларнинг маънавий ва ички оламини чуқур ўзлаштириб, Ойбек асарининг руҳини, ўзига хослигини сақлаган ҳолда пьеса яратди. Уни ҳаққоний драматик ҳаракатлар билан бойитди, романдаги ижтимоий мазмунни янада чуқурлаштиришга интилди. У асар ғоясини иложи борича бўрттириш мақсадида романнинг ўзидан келиб чиқиб, унинг руҳига мос пахта заводи ва этикдўз Шокир ота устахонаси кўринишларини пьесага киритади. Бу кўринишлар драмада маҳаллий меҳнаткашлар онгида инқилобий тушунчанинг ҳосил бўлиши ва ривожланишида рус пролетариатининг ролини кўрсатиш, ишчилар синфи чинакам илғор революцион куч эканлигини алоҳида таъкидлашга, шунинг билан бирга халқлар дўстлиги мавзуини кўтаришга имкон берди.

Пьеса муаллифи Ойбекнинг ижодий принципларига амал қилган. Ана шу конфликт жараёнида образларнинг характери, дунёқараши, ҳиссиёт олами изчил очилиб боради. Т. Хўжаев драмада Ойбек сингари образларнинг, хусусан ижобий қаҳрамонларнинг онгида рўй берган ўзгаришларнинг сабабини мантиқан асослаб берган. Натижада, ҳар бир образ каттаю-кичиклигидан, асар ғоясини очишда қандай ўрин тутишидан қатъий назар, ҳаётий ва жонли чиққан. Конфликтни вужудга келтиришда ҳам ҳар иккала синф вакилларининг образини иложи борича тўла тасвирлаб, улар ўртасида содир бўлган муросасиз қарама-қаршиликнинг ижтимоий илдизини аққоний очиб берган. Бу эса Йўлчи ва у сингари минглаб заҳматкашларнинг инқилобий йўлга ўтиши шунчаки тасодиф эмас, балки ўша даврдаги ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, меҳнаткаш оммага нисбатан эзувчилар томонидан қилинган ғайри-инсоний муносабатнинг бевосита таъсири эканлигига ишонч туғдиради. Драмада Йўлчи характерининг диалектик ривожини кўрсатиш мақсадида муаллиф драматургик изчиллиқни сақлаган ҳолда, бош қаҳрамонни турли вазиятлар гирдобига ташлайди ва шу тариқа ўша даврга мансуб ижтимоий ҳаётни, унинг тараққиёт қонунларини тарихан тўғри акс эттиришга эришади.

«Қутлуғ қон» драмасини Т. Хўжаевнинг ўзи саҳналаштирган. Спектакль чинакам халқ драмаси даражасига кўтарилди. Асарни бу аснода ҳал этишда айниқса, оммавий саҳналарга алоҳида эътибор берилди. Бу ерда ҳам «Маҳмуд Торобий» либреттосида бўлганидек, инсон тақдири билан халқ тақдири чамбарчас боғланган эди.

Бундан 30 йил илгари «Қутлуғ қон» спектаклини кўрган томошабин Ш. Бурҳонов ва М. Юсупов яратган жўшқин қалб эгаси Йўлчи, Я. Абдуллаева ижросидаги ўз иффати, садоқати билан мафтун этган Гулнор, Ҳ. Латипов гавдалантирган умр бўйи адашиб, охирида кўзи мошдек очилган Ермат ота, Н. Раҳимов талқинидаги этикдўз Шокир ота, С. Табибуллаев ижросидаги «илон ёғини ялаган» Мирзакаримбой, Қ. Хўжаев, З. Муҳаммаджонов А. Турдиев яратган мерос ва бойлик учун ҳар қандай қонли жиноятлардан қайтмайдиган Ҳакимбой, Салимбой, Тантибой ва бошқа образларни ҳозиргача яхши эслайди. Чиндан ҳам «Қутлуғ қон» драмаси кўпчилик саҳна усталарининг ижрочилик маҳоратини оширишга, истеъдодининг янги қирраларини очишга имкон берди. Т. Азизов, О. Норбоева, Т. Мўминов каби ёш актёрлар учун эса бу асар ҳақиқий ижод мактабини ўтади.

1964 йилда, яъни орадан 10 йил ўтгач, Т. Хўжаев драмани қайта ишлаб, уни янгидан саҳналаштиради. Эндиликда кўпчилик роллар ёшларга топширилади. Ўша йили гастроль пайтида спектакль Москва томошабинларига кўрсатилди. Таниқли совет ёзувчиси ва санъат арбоби Т. А. Марков «Қутлуғ қон» спектаклини кўриб, қуйидагиларни айтди: «..Кўрган спектакларим орасида бу спектакль, гарчи унда қаҳрамонларнинг фожиавий тақдири тасвирланса ҳам, у ўзининг ички оптимистик руҳи билан менга маъқул бўлди. Гап шундаки, спектаклдаги оптимистик руҳ билан менда ишонч ҳосил қилган қаҳрамонларнинг ўзи суғорилган».

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» спектакли премьерасига рафиқаси билан келгани ҳамон хотирамда. Улар биринчи қаторга ўтиришди. Мен ҳам иккинчи қатордан ўрин олдим. Улуғ адиб ўз асарини шунчалик берилиб, ҳаяжон билан кузатардики, бутун диққат-эътибори саҳнада эди. Ойбек шу онда ўз қаҳрамонларининг тақдирига ҳамдард бўлиб, улар оламига кириб кетгандай туюларди кишига. Спектакль давомида Ойбек ўрнидан қўзғалмади. У ҳамон саҳнадаги воқеалар таъсири остида яшаб рафиқаси билан фикрлашарди. Йўлчи ҳалок бўлганида унинг кўзида ёш айланди...

Спектакль тугагач, Ойбекни саҳнага олиб чиқдилар. Залда қарсаклар янада кучайди. Ойбек ҳаяжонга тўлганидан бир нима демади, икки қўлини кўксига қўйиб, томошабинларга қарата «Раҳмат... раҳмат...» деди. Сўнг тасаннолар айтиб спектакль иштирокчиларини бирма-бир табриклади, Шукур Бурҳонов, Йўра Абдуллаева, Ҳикмат Латипов, Саъдихон Табибуллаев, Наби Раҳимов, ниҳоят Тошхўжа Хўжаевни бағрига босиб, миннатдорлик билдирди. Актёрлар эса Ойбекни гулдасталар билан қутлади...

Орадан кўп ўтмай шоир ва драматург Туроб Тўла «Қутлуғ қон» романи мотивлари асосида «Зулматдан зиё» операсининг либреттосини ёзди. Мазкур жанр тақозасига кўра муаллиф либретто сюжетини асосан лирик мавзуи заминига қурди. Гарчи воқеалар Йўлчи билан Гулнор ўртасидаги садоқатли муҳаббат ва уларга қарши турган Мирзакаримбой атрофида содир бўлса ҳам, Туроб Тўла ижтимоий зиддиятларни четлаб ўтмаган, қаҳрамонларнинг психологияси ва онгида рўй берган ўзгариш жараёнини ҳаққоний тасвирлаган. Композитор Рашид Ҳамроев операнинг музикасини моҳирона басталаб, Ҳамза номли Давлат мукофотини олишга муяссар бўлди. Опера узоқ йиллар давомида А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театр репертуарида сақланиб келди.

Ойбекнинг номи мана қирқ йилдирки, ўзбек театри билан боғланиб келмоқда. Бироқ афсуски, «Қутлуғ қон» романидан бўлак бошқа асарлари саҳна юзини кўрмай келаётир. «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабадалар», «Улуғ йўл» романлари, шунингдек, «Болалик» киссаси ажойиб саҳна асарлари учун баракали асос бўла оларди. Бу асарлар ҳам «Қутлуғ қон» сингари санъатқорларнинг ижрочилик маҳоратини оширишга хизмат қилиши, томошабинларга эса маънавий ва эстетик завқ бағишлаши муқаррар.

Ф. ЖУРАЕВ,
санъатшунослик номзоди.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚУВАЙТ. Саудия Арабистони пойтахтида Форс қўлтиғидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг конференцияси ўз ишини тамомлади. Бу ташкилотга Баҳрайн, Катар, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон ва Саудия Арабистони киради.

Олти мамлакат министрлари деярли беш йилдан буён давом этаётган Эрон—Ироқ урушни муносабати билан региондаги аҳволни муҳокама қилдилар ва ана шу беҳуда ҳунрезликни тўхтатиш учун куч-ғайратларимизни аямаймиз, деб айтдилар.

НИГЕРИЯ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ

ЛАГОС. Бу ерда янги составдаги Нигерия миллий давлат кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Давлат ҳокимиятининг бу органи 27 августдаги давлат тўнтаришидан сўнг тарқатиб юборилган эди. Эндиликда, мамлакатдаги барча 19 штатнинг шу кенгаш составига кирувчи янги губернаторлари қасамёд қилганидан сўнг давлат кенгаши қайта иш бошлади. Кенгашнинг асосий вазифаси молиявий-иқтисодий ва социал соҳаларда сиёсатни ишлаб чиқишдан иборат.

Кенгашга Нигерия президенти генерал-майор Иброҳим Бабагинда бошчилик қилди. Бош штаб бошлиғи биринчи ранг капитани Око Ибиту Укиве унга ўринбосар бўлди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАРШАВА. Варшавада касаба союз ташкилотларининг тинчлик йўлидаги ҳаракатлари куни доирасида урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди. Намойишда Польша Халқ Республикасининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ва уруш ветеранлари, шунингдек жаҳон касаба союзлари федерациясининг делегацияси қатнашди. Улар планетадаги касаба союз ташкилотлари ва халқларга мурожаатнома қабул қилдилар. Бу мурожаатномада Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг жаҳонда тинчликни сақлашга, империализмнинг ёвуз ниятларини барбод этишга қаратилган ижобий ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

◆ БОННГ. Нацизм даврида таъқиб этилган шахсларнинг — ГФР антифашистлар иттифоқининг Мольхайм округ ташкилоти (Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкаси) аъзолари ва Франциядаги Тур шаҳри фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари қўшма баёнотида Вашингтоннинг космик фазони ҳарбийлаштиришга қаратилган режалари милитаристик рухда эканлиги таъкидланади. «АҚШ зўр бериб тарғиб этаётган машъум» «стратегик мудофаа ташаббуси» лойиҳаси — дейилади ҳужжатда, — қуролланиш пойгасини авж олдириш мақсадини кўзда тутади. Биз космосдаги бемаъни мусобақа тўхтатилсин, деб талаб қиламиз».

◆ ДАМАШҚ. Сурия президенти Хафиз Асад бу ерда шу гапларни айтди: АҚШ ҳар томонлама ёрдам бераётганлиги туфайлигина Исроил араб халқларига қарши агрессив ҳуруж қилмоқда, арабларга қарашли ерларни оккупация қилишни давом эттирмоқда, регионда агрессив йўлни ўтказиб келмоқда. Американинг сиёсати, деб таъкидлади у, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қилаётган асосий ғовларнинг биридир.

Шу билан бирга САР президенти Совет Иттифоқининг Яқин Шарққа доир сиёсатига юксак баҳо берди. Совет Иттифоқи, деди у, регионда адолатли тинчлик ўрнатилиши учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

◆ КАНБЕРРА. Крайстчерч шаҳрида ҳукмрон Янги Зеландия лейбористлар партиясининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари Янги Зеландия АНЗЮС блокидан чиқсин, АҚШ, Англия билан ва бошқа империалистик давлатлар билан алоқаларини узсин, деб талаб қилдилар. Конференцияда ташқи сиёсий проблемалар юзасидан қабул қилинган резолюцияда бош министр Дэвид Лонги бошчилигидаги мамлакат ҳукуматининг йўли маъқулланди. Ҳукумат ядро қуроли бўлган чет эл ҳарбий кемаларининг Янги Зеландия портларига киришини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

(ТАСС).

ЕВРОПАЛИКЛАР КЕСКИНЛИК ЮМШАТИЛИШИНИ АФЗАЛ КЎРАДИЛАР

ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти амалга ошираётган «самовий урушлар» программаси «Қўшма Штатлар билан Ғарбий Европа ўртасида янги жиддий ихтилоф чиқиши хавфини туғдирмоқда», — Иллинойс университети ҳузуридаги қуролланишни контрол қилиш, қуролсизланиш ва халқаро ҳавфсизлик проблемаларини ўрганиш марказининг фикри ана шундай. Марказнинг докладида «Европаликларнинг кўпчилиги ядро қуроллари кўпайтириш сиёсатини эмас, балки кескинликни юмшатиш ва қуролланиш устидан контрол ўрнатишга зўр берилган стратегияни афзал кўрадилар», деб таъкидланади.

(ТАСС).

ҚЎШИЛМАСЛИК ПРИНЦИПЛАРИГА СОДИҚЛИК

ЖОРЖТАУН. Мамлакат президенти Д. Хойт Гайананинг қўшилмаслик ҳаракати принциплари ва мақсадларига, унинг давлатлар ташқаридан аралашувсиз мустақил ривожланишини таъминлашга қаратилган сиёсатига содиқлигини таъкидлади. У миллатга радио орқали мурожаат қилиб, бундай мақсадга эришиш учун мустаҳкам тинчлик зарурлигини, қуролсизланиш, аввало ядровий қуролсизланиш орқалигина бундай тинчликни гарантиялаш мумкинлигини уқтириб ўтди. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган қуролланиш пойгаси ривожланиш учун сарфлаш мумкин бўлган жуда катта маблағларни ўмариб кетаётганлигини таъкидлаб, Д. Хойт қўшилмаган мамлакатларни тинчлик учун курашда куч-ғайратларни оширишга чақирди. Гайана эса ҳар қандай ижобий тинчликсевар ташаббусларни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, деб уқтирди президент.

(ТАСС).

◆ Лондонда Англиянинг Ольстердаги мустамлака ҳукмронлигига қарши норозилик намойиши ўтказилди. Намойишчиларнинг полиция билан тўқнашувлари бўлиб ўтди. Бунинг натижасида жароҳатланганлар ҳам (суратда) бўлди.

АП—ТАСС телефотоси.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳаётидан

САҲНАДА — ВЕТЕРАНЛАР ХОР КОЛЛЕКТИВИ

◆ ЧОРВОҚ ГЭСи маданият саройи ва Тошкент шаҳар маданият бошқармаси ҳузуридаги ветеранлар хор коллективи меҳнаткашларга ҳамкорликда хизмат кўрсатишни йўлга қўйишган. Улар бу йилнинг ўзида 30 дан ортиқ ранг-баранг концертларда иштирок этишди.

Суратда: ҳамкорликдаги хор коллективи.

А. Мальцев фотоси.

КУРГАЗМАГА ҲОЗИРЛИК

ЧЕХОСЛОВАКИЯГА БАҒИШЛАНАДИ

Ҳозирги вақтда Чехословакия—Совет ҳамда Ўзбекистон ССР савдо-саноат палаталари томонидан уюштириладиган Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 8 октябрда очиладиган бу анжуманга бағишлаб матбуот конференцияси бўлди.

— Мана 15 йилдирки, СССРда ҳар йили Чехословакия экономикаси ва техникаси кунлари ўтказилиб келинмоқда, — деди матбуот конференциясида сўзга чиққан Чехословакия—Совет савдо палатаси бош секретари Иозеф Черни. — Бундан мақсад ўзаро товар айирбошлашни янада кўпайтиришдир. Ўзаро савдо ҳамкорлигини тағин ҳам кенгайтиришга икки мамлакатда яратилган янги техника намуналари ҳақида бирбиримизни хабардор қилишга ҳам ёрдам беради. Шу кунлари чехословакиялик мутахассислар республика саноат корхоналарида турли темаларда 23 та лекция ва суҳбатлар ўтказадилар.

Шунингдек, Чехословакия экономикаси ва техникаси кунларида Ўзбекистондан юборилган хомашё ва материаллардан енгил ва оғир саноат корхоналарида ишлаб чиқилган турли хил маҳсулотлар, халқ истеъмоли буюмлари намойиш этилади.

Матбуот конференциясида Чехословакия — Совет савдо палатаси Москва бўлими вакили Хакен Милеш, Чехословакия — Совет савдо палатаси вакили Милана Свободалар ҳам қатнашдилар. Улар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

А. ҒУЛОМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«СПАРТАК» КЎНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ
6—15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ
1985—86 ўқув йили учун
Бокс, футбол, кураш, теннис, велоспорт бўйича
БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кирувчилар соғлиғи тўғрисида справка (турар-жойидаги врач томонидан тасдиқланган) ва спорт формасига эга бўлишлари керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 15-уй, «Спартак» стадиони (1, 21-троллейбуслар, 43, 9, 42, 65-автобусларнинг «Калинин номли майдон» бекати).

КУМУШ САЙҚАЛ БЕРИЛГАН КАҲРАБО...

Сут ранг-оқ, тилларанг-сариқ, ҳаворанг, олчаранг... Ҳайрон бўлманг: буларнинг ҳаммаси ажойиб каҳрабо тошнинг ҳайратомуз жилосидир.

Агар бу нурланувчи рангдор тошга монанд кумуш халқалар танлай олинса, унинг табиий жилоси ва чиройи янада ортади.

Кумуш билан халқаланган ранг-баранг каҳрабо кулонлар, тўғноғичлар, гарнитурлар ажойиб зийнат буюмлари ҳисобланиб, улар ҳеч қачон эскирмайди ва модадан қолмайди.

Кумуш сайқал берилган каҳрабо зийнат буюмларини Сиз давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларидан харид қилишингиз мумкин.

КАЛИНИНГРАД КАҲРАБО КОМБИНАТИ.
«ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ЖАМИЯТИМИЗГА ЁТ ИЛЛАТ

ЁШЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИБ ЎСИШСИН

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини изчиллик билан бажариш, жамиятимизга ёт бўлган ичкиликбозликни келтириб чиқараётган ҳар қандай сабабларга қарши кескин курашиш тобора оммалашмоқда. Айниқса, балоғатга етмаган ёшлар ўртасида пайдо бўлаётган ичкиликбозликнинг олдини олишга жиддий эътибор берилмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз Ш. Аҳмедов область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси жиноий қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари Е. Меднов билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Евгений Иванович, ичкиликбозликка қарши қонунларга киритилган янги муҳим ўзгаришлар, аввало, ички ишлар органларига бевосита тааллуқли. Шу хусусда қилинаётган ишлардан гапириб берсангиз!

— Ичкиликбозликка қарши курашда балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекциясининг масъулияти, айниқса, ошди. Инспекция ходимлари ўқувчиларнинг ёзги каникуллари бошлангунча умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа ўқув муассасаларининг ҳаммасида суҳбатлар уюштириб, янги қонуннинг асл моҳияти ва мазмунини кенг қўламда тушунтириб бердилар.

Шуни очиқ айтиш керакки, илгари ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши пропагандага ҳозиргидек жиддий эътибор берилмасди. Аҳоли, айниқса, ёшлар спиртли ичимликларни сурункасига истеъмол қилиш натижасида юз бераётган фожиали оқибатлардан хабардор қилиб борилмасди. Ҳозир бунга чек қўйилди. Инспекциянинг ҳар бир ходими бирор ўсмир билан иш юзасидан учрашиб суҳбатлашар экан, бемавруд ичкиликнинг шахсга ҳам, жамиятга ҳам зарари ҳақида, албатта сўз юритади.

— Сизнингча, ёшларнинг ичкилик ичишга одатланишларига нималар сабаб бўлаяпти!

— Ўсмирларнинг спиртли ичимликлар билан «танишув»лари кўп ҳолларда оиладан бошланади. Афсуски, кўпгина оилаларда бўладиган зиёфатлар чоғида ота-оналар ёшлар олдида қадаҳ кўтариб ичишади, ана шундай давраларда ҳатто ёшлар ҳам бемалол ароқ ёки коньяк кўтаришади, бунга бефарқ қаралади. Ёш ўсмирга эса бу оддий бир ҳолат бўлиб туюлади.

Ўсмирларда табиатан ҳар нарсага мойиллик кучли бўлади. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин ўйлаб ўтирмай, тез одатланиши мумкин. Ёшларнинг бевақт ичкиликбозликка одатланишлари кўпроқ оилаларда муҳит ёки назоратсизлик туфайли тарқалаётганлигини статистика маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Турар-жойларда, меҳнат коллективларида ёшлар тарбиясига бефарқ қараш, уларни эътиборсиз қолдириш ҳам кўплаб ёшларнинг ичкиликбозликка ўрганишларига сабаб бўлаётир. Мана бир мисол: Урта Чирчиқ районидаги механизациялашган кўчма колонна бетончиси, эндигина ўн олти ёшга кирган Зокир Ниёзов навбатдаги маошини олгач, ўртоқлари билан уни «ювди». Кейин маст ҳолда жамоат тўпланган жойда пайдо бўлгани учун инспекцияга келтирилди. Текширувлар давомида бу ўсмирнинг бирор мураббийга бириктиб қўйилмаганлиги, бўш вақтини қандай ўтказаётгани билан корхона маъмуриятининг мутлақо қизиқмаганлиги маълум бўлди. Қарангки, шундай йирик коллективда Зокирга нисбатан ғамхўрлик қилиб, уни зарарли одатдан асраб қоладиган бирор киши топилмабди.

— Евгений Иванович, ёшларни ичкиликка етаклаётган шундай айрим номақбул одатларни йўқотишдан ташқари бу иллатга қарши яна қандай таъсирчан чоралар бор, деб ўйлайсиз!

— Менимча, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни яхши йўлга қўйиш энг муҳим шартлардан биридир. Ҳозир кўпгина мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида ҳуқуқий билимлар бурчаги ташкил этилган.

Оржоникидзе районидаги 10-мактаб, Урта Чирчиқ районидаги 15-ўрта ҳунар-техника билим юртида ҳуқуқий дарс машғулотлари ўтказилмоқда. Бу ерда ҳуқуқ мавзуларидаги лекция ва суҳбатлар, консультациялар, ҳуқуқшуносликка органлари ходимлари билан учрашувлар ўтказиб туриш одат бўлиб қолди.

Бироқ ҳуқуқий тарбия соҳасида ҳам кўпгина жиддий нуқсонлар бор. Мактаб ва билим юртларида муҳим ҳуқуқий мавзуларда дарс беришга суд, прокуратура ва милиция органларининг ходимлари жуда кам жалб этиладилар. Айрим билим юртлари талабаларининг хушёрхоналарга тушиб қолаётганликлари сабабларидан бири шу.

— Евгений Иванович, педагоглар ҳақида гап очганингиз муносабати билан яна бир савол туғилди: ўсмирлар ўртасида ичкиликка мойилликнинг олдини олишда педагогларга қандай ўрин берилган!

— Ўқитувчи доимо болалар ва ўсмирларнинг кўз олдида бўладиган киши. Ўқувчининг ҳулқ-атвори кўпинча ўқитувчининг хатти-ҳаракатига, шахсий сифатларига боғлиқ бўлади.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, айрим педагогларимизнинг ҳулқи баъзан кишини ранжитади. Улар ёшлар ўртасида ичкиликбозликка қарши курашда актив қатнашиш ўрнига баъзан маст-аласт бўлиб хушёрхонага тушадилар. Масалан, Коммунистик районидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Анорқулов ва 7-мактаб ўқитувчиси С. Жумановларнинг меъёрдан ортиқча ичиб олиб, хушёрхонада тунаганлари маълум. Афсуски, бундай мисоллар кам эмас.

Ёшлар дискотекалари, қизиқувчи ўсмирлар клублари, турар-жойларда балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича жамоатчи инспекциялар ҳам ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилиши лозим. Аммо областдаги мавжуд ўсмирлар клублари жуда сust ишламоқда, уларнинг сони кўпаймаётир. Кўнгилли жамоатчи инспекцияларда ташкил этилган секциялар эса ишни бўшаштириб юборган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида ичкиликбозликнинг тарқалмаслиги учун қурашиш фақат милиция органларининг иши эмас, балки бутун жамоатчилик ташкилотлари, ҳар бир онгли киши бу ижтимоий муҳим вазифанинг амалга оширилишига ўз ҳиссасини қўшиши керак. Ёш авлоднинг жисмоний бақувват, маънавий баркамол бўлиб ўсиши учун ҳаммамиз жавобгармиз.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ШАХМАТ

◆ ЖАҲОН чемпиони унвони учун Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров ўртасидаги ўйинни мухлислар жуда катта қизиқиш билан кузатишмоқда.

Кечиктирилган биринчи ўйинда жаҳон чемпиони учрашувни давом эттирмай мағлуб бўлганлигини тан олди.

Кеча иккинчи партия ўйналди.

ФУТБОЛ

◆ ЎСМИРЛАР ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг финалчилари аниқланди. Эртага Москвада ҳал қилувчи ўйинда Бразилия ва Испания футболчилари учрашадилар. Ярим финалда Бразилия командаси Нигерия спортчиларини 2:0 ҳисобида енгишди. СССР терма командаси эса Испания футболчилари билан бўлган кескин курашда умумий 5:6 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Бугун учинчи ўрин учун СССР—Нигерия футболчилари ўзаро баҳслашадилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

◆ БАЛАНДЛИККА сакраш бўйича совет спортчиси Игорь Паклин Японияниг Кобе шаҳрида ўтказилган жаҳон студентларининг ўйинларида 2 метр 41 сантиметр натижа кўрсатиб жаҳон рекордини ўрнатди. Совет спортчилари ғалабаси билан тугаган бу мусобақаларда вакилларимиз ҳаммадан кўп 84 та медалга сазовор бўлишди.

БОКС

◆ ТОШКЕНТЛИК Ренат Тришев СССР терма командаси сафида Венада ўтказилган халқаро мусобақада 91 килограммгача вазнлилар баҳсида биринчи ўринни олди. Бу мусобақада Европанинг етти мамлакати ва Куба спортчилари қатнашди.

ВЕЛОПОЙГА

◆ ОБЛАСТИМИЗ вакили Жамолиддин Абдужабборов мамлакат терма командаси сафида Парижда бошланган велопойга мусобақаларида совет спорти шарафини ҳимоя қилмоқда. 9 малакатдан қатнашаётган 17 команда 13 босқичга бўлинган 1602 километр масофани босиб ўтишлари керак

Редактор Н. НАСИМОВ.

ОППОҚ БУЛУТЛАР ОСТИДА

Тошкент янги телевизион минорасининг 100 метр баландлигида жойлашган томошагоҳ майдончасига ва «Коинот» ресторанига марҳамат қилинг.

Оппоқ булутлар сузадиган баландликда шаҳримизнинг жамолини яққол кўрасиз ва экскурсоводнинг телевизион минора қурилишиги ва Тошкент ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тинглайсиз.

Ресторандаги дастурхон атрофида ўтириб, минора бир марта айланиб чиқиши давомида шаҳар жамолини тўйиб томоша қиласиз.

Ресторанга марҳамат қилиб шаҳарни томоша қилиш муддати 1 соат 45 минут, ресторансиз сайр этиш эса 45 минут.

Кириш майдонига кириш билети (катталар учун) 2 сўм; **болалар ва оддий составдаги ҳарбий хизматчилар учун 50 тийин.**

Ресторанга ташриф буюриб, сайр этиш баҳоси 8 сўм. Қўшимча ҳақ тўлаб барларда турли ширинликлар ва ичимликлар буюртириш мумкин.

Телевизион минорага зиёрат қилиш иштиёқида бўлганлар якка тартибда ёки муассасалар, ташкилотлар, корхоналарнинг олдиндан берган буюртмалари асосида билет сотиб олишлари мумкин.

Телевизион минораниг кассаси қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, Ф. Энгельс кўчаси, 109-уй (25, 28-трамвайлар, 9, 51-автобусларнинг «Телевизион минора» бекати).

Билетларни сотиб олиш учун ёнингизда паспорт, ҳарбий билет бўлмоғи керак.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 55-79-49).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

КАСАБА СОЮЗЛАР ИШИ

ОҲАНГАРОН СОҲИЛИДА — ИШЧИЛАР ОРОМГОҲИ

Тошкент кўприк темир-бетон конструкциялари заводи қолиплаш цехининг оилалари билан хушманзара тоғлиқ жойда дам олган меҳнаткашлари бардам ва кайфиятлари чоғ бўлиб қайтдилар. Бу ерда жўшқин Оҳангарон дарёси соҳилида касаба союз маблағлари ҳисобидан корхонанинг дам олиш базаси бунёд этилган. Соясалқин чинорлар остида махсус жиҳозланган ёғоч уйчалар ва вагончалар саф тортди, қаттиқ қопламали йўлкалар қурилди, спорт ва болалар ўйин майдонлари барпо этилди.

Завод меҳнаткашлари корхонанинг касаба союз комитети ижарага олган транспортда дам олиш зонасига келдилар. Касаба союз активлари катталар ва болалар учун хилма хил дам олиш программасини тайёрладилар. Бу программага спорт мусобақалари, конкурслар, бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг концертлари киритилган эди. Болалар энагаларнинг назорати остида ўйнаб юришган дамларда уларнинг ота-оналари тоғларга экскурсия қилиб қайтдилар.

Дам олиш базаси қурилаётган пайтдаёқ касаба союз активлари база территориясига спиртли ичимликлар олиб келиш мутлақо тақиқланганлигини коллективга тушунтириб қўйган эдилар. Мана шу қоидани бузиб дам олиш ёки отпуска кунларини бу ерда ўтказиш имкониятидан ўзини маҳрум қилувчи бирон киши корхонада топилмади.

(ЎзТАГ мухбири).

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1 августдан 1986 йил газета ва журналлари учун обуна бошланганлигидан хабардорсиз, албатта. Янги йилнинг дастлабки куниданоқ хонадонингизга «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси бориб туришини истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бас. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади, 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1986 йил февралидан бошлаб етказиб берилади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ:
бир йилга—6 сўм 60 тийин, олти ойга—3 сўм 30 тийин.

КУЗГИ САБЗАВОТ ВА КЎКАТЛАР

САБЗАВОТЛАР орасида ПОМИДОР томорқада асосий экин ҳисобланади. Юқори ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири — пишган меваларни пешма-пеш териб, экинларни бегона ўтдан тозалаб, ҳар сувдан кейин эса ўсимлик атрофини юмшатиб чопиш лозим. Ана шундагина помидор то совуқ тушгунга қадар гуллаб, туғиб, ўсишни давом эттиради. Октябрь ойларига борибўсимлик устига пленка ёпилса кеч кузги совуқлардан сақланади, ноябрь ойларида ҳам помидор ҳосили олиш мумкин.

КЕЧКИ САБЗИ. Шу кунларда бу экинни бегона ўтлардан тозалаб, ягана қилиш талаб этилади. Бунда сабзи билан сабзи оралиги 5х5 см кенгликда қолдирилади. Ҳар ўташдан кейин 100 квадрат метр ерга 5-6 килограмм азотли, 4-5 килограмм фосфорли ўғит солинади. (Озиқлантиришни икки марта амалга оширилади). Ҳар бир озиқлантиришдан сўнг суғориш, ер етилиши билан ариқ ичини юмшатиш керак. Сабзилар фойдаланишга ярайдиган бўлгандан сўнг экин ҳар 7-8 кунда суғорилади.

КЕЧКИ КАРАМ. Юқори ҳосил олиш учун бу экинни шу кеча-кундузда қондириб суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, ўсимлик атрофи ва ариқ ичларини юмшатиб чопиш зарур. Маълумки, карам маҳаллий ўғитга талабчан бўлади. Ўсиш даврида ҳар 100 квадрат метр ерга 250-300 килограмм маҳаллий ўғит (гўнг), 5-6 килограмм азотли, 4-5 килограмм фосфорли ўғит солинади. Карам ўраш даврида ҳарорат бироз пастроқ бўлиши керак. Шунинг учун сентябрь, октябрь ойларида бу экин 2-3 марта ёмғир усулида устидан суғорилади, бунда лейка ёки шлангдан фойдаланилади.

ШОЛҒОМ ВА ТУРПДАН юқори ҳосил олиш учун уни бегона ўтдан тозалаш, ягана қилиш, ўз вақтида суғориб ва ариқ ичларини юмшатиб туриш лозим.

Биринчи яганалаш майсаларда икки-учтадан чин барг пайдо бўлганида, иккинчи марта орадан 15-20 кун ўтгач амалга оширилади. Бунда шолғом билан шолғом оралигини 8х8 ёки 10х10 см кенгликда қолдирилади. Ўсиш даврида 100 квадрат метр ерга 5-6 килограмм азотли, 4-5 килограмм фосфорли ўғитлар солинади. (Озиқлантиришни икки марта амалга ошириш лозим).

Халқ истеъмоли учун асосий сабзавотлар билан бир қаторда кам тарқалган кўкат ўсимликларнинг аҳамияти ҳам каттадир. Масалан, инсон организми учун энг зарур бўлган витамин, углерод, оқсил кислотаси ва бошқа зарур моддалар кўкат сабзавотларда кўпроқ учрайди.

Кўкат сабзавотлар қисқа муддатда — 40-50 кунда етилади. Булар катта майдонни талаб этмайди ва ер танламайди.

УКРОП. Бу экиннинг ўсиш даври қисқа, уруғ сепилгандан кейин орадан 35-40 кун ўтгач уни истеъмол этиш мумкин. 10 квадрат метр ерга 20 граммдан уруғ сарфланади.

САЛАТ. Совуққа чидамли ўсимлик бўлиб, сепилгандан кейин орадан 40-60 кун ўтгач, истеъмол қилишга тайёр бўлади. Булар сентябрь — октябрь ойларида сепилади. 10 квадрат метр ерга 4-5 грамм уруғ сарфланади. Майсаси икки марта яганаланади, айни вақтда ўтаб чиқилади. Биринчи яганалашда қатордаги туп ораси 3-4 см қилинади, орадан 10-15 кун ўтказиб иккинчи марта ягана қилинади. Ўташ ва ариқ ичлари юмшатилиши жуда авайлаб ўтказилади, чунки бу экин илдизи устки тупроқ қатламидагина таралиб, заиф ривожланган бўлади. Салат одатда етти-саккиз кун оралатиб, уч-тўрт марта суғорилади.

ПЕТРУШКА. Бу экин яп-роқ петрушка ва илдиз петрушка номи билан икки турга бўлинади, биринчисининг япроғи овқат билан қўшиб истеъмол қилинади, иккинчисининг илдиз меваси овқат тайёрлашда ва консерва саноатида кўп ишлатилади.

Петрушка уруғи кузда ва эрта баҳорда сепилади. 10 квадрат метр ерга 5-6 грамм уруғ сарфланади.

А. БОҚИЕВ,
иқтисод фанлари кандидати.

С. МАҲКАМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ТОМОРҚА ДЕҲҚОНЧИЛИГИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР

ТВ

БУГУН

МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Ҳайвонот оламида».
10.55 «Ўз томонимга йўл». Телевизион бадиий фильм 1-серия.
12.00 СССР халқ артисти Е. Образцова куйлайди.
12.30 ва 15.00 Янгиликлар.
15.20 Телефильмлар.
16.10 Фильм-концерт.
16.40 «Рус тили».
17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Жаҳон халқларининг фольклори».
20.15 Киножурнал.
20.25 «Ўз томонимга йўл». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «1985 йил қўшиқлари».
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Телефильм премьераси.
9.35, 10.35 Музика. 2-синф П. И. Чайковскийнинг «Щелкунчик» балет-эртаги.
10.05, 13.40 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига.
11.35, 12.40 География.
12.05 «С. Гудзенко поэзияси».
13.10 «Умумий биология».
14.10 В. И. Ленин «Партия ташкилоти ва партия адабиёти». 10-синф.
14.40 «Истеъдод».
15.10 Рус адабиёти ватанпарварлик манбаларида.
16.10 ва 18.30 Янгиликлар.
18.45 «Онамларнинг мактаби».
19.15 «Ғолиблар». 2-гвардиячи танкчи армия ветеранларининг учрашуви.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Инсон. Ер. Коинот».
21.30 «Время».
22.05 «Ўрмонда тўй». Телевизион бадиий фильм премьераси.

ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Ҳайрли тонг, кичкинтойлар».
8.05 Манзарали фильм.
8.20 Ҳужжатли фильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 Болалар учун фильм.
9.20 «Ҳамзаобод». Телефильм.
9.30 География.
10.00 Болалар учун фильм. «Биринчи концерт».
10.30 Биология.
18.15 Янгиликлар.
18.30 Кинопрограмма.
19.00 «Ахборот» (рус.).
19.15 Телефильм.
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Нистру» (Кишинёв). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Ахборот».
21.15 Ҳужжатли фильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ноа-неъмат бунёдкори».
22.25 «Ҳам меҳнат, ҳам маҳорат». Телекўрсатув (рус.).
23.35 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II.
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...».
18.40 «Лалварлик овчи». Бадиий фильм.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.20 Фильм-концерт.
21.00 «Оқ йўл» (рус).
21.30 МТ II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари— 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши— 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; редакция бўйича тунги навбатчи —334808, 325353.

Р. 05998. А. 1779. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12